

СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

**Шухрат ИГАМОВ,
мустақил тадқиқотчи**

Аннотация: мақолада сиёсий маданият тушунчасига илмий қарашлар таҳлил этилгани ҳолда сиёсий маданиятнинг давлат хизматчиси касбий ва ижтимоий фаолиятидаги ўрнига баҳо берилган. Унда сиёсат ва маданият тушунчаларининг ўзаро мутаносиблиги ва мазкур тушунча ва билимга эга шахснинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: сиёсий маданият, давлат ва жамият, шахс тафаккури, сиёсий билим, сиёсат, маданият, эл-юрт манфаатларига дахилдорлик.

Аннотация: в статье анализируются научные взгляды на понятие политической культуры и оценивается её роль в профессиональной и общественной деятельности государственных служащих. Показана взаимосвязь понятий «политика» и «культура», а также значение владения этими понятиями и знаниями для обретения человеком своего места в обществе.

Ключевые слова: политическая культура, государство и общество, личностное мышление, политическое знание, политика, культура, сопричастность национальным интересам.

Anotation: the article analyzes scientific views on the concept of political culture and evaluates its role in the professional and social activities of civil servants. The relationship between the concepts of "politics" and "culture" is shown, as well as the importance of mastering these concepts and knowledge for a person to find his place in society.

Keywords: political culture, state and society, personal thinking, political knowledge, politics, culture, involvement in national interests.

Сиёсий маданият тушунчаси кенг қамровли маънога маънога эга. Сиёсий



маданият давлат ва жамиятни шахс тафаккури ҳамда фаолияти билан ўзаро боғловчи муҳим билимдир. Оила жамиятнинг асоси экан, унда камол топаётган шахснинг нафақат илмий ва маънавий, балки сиёсий билимларга эгаллиги унинг давлат ва жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши ва эл-юрт манфаатларига дахилдорлик туйғусини ҳис этишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, сиёсий билим ва маданиятга эга шахс оиласи, давлат ва жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини теран англайди.

“Сиёсий маданият” тушунчаси “сиёсат” ва “маданият” сўз бирлигидан ташкил топган бўлиб, сиёсат – кенг қамровли тушунчаларни англатса, маданият – термини ҳам ўзига хос билим ва кўникларни қамраб олади. Шу ўринда энг аввало, маданият тушунчасига эътибор қаратсак.

Маданият – бу қабул қилинган фикрлаш, эътиқод ва хулқ-атвор усулларини ўз ичига олган жамият ҳаётининг асосий усули, аниқроқ қилиб ифодалаянда, моддий ва маънавий ҳаётда қўлга киритилган ютуқлардир. Сиёсий маданият - бу бошқарув ва сиёсат билан боғлиқ бўлган маданият элементларидир¹.

Маданият ва унинг ўзига хос тури ҳисобланган сиёсий маданият одатда макро-ҳодиса сифатида аниқланган ва ўрганилган. Масалан, Элкинс ва Симеон (Елкинс анд Симеон) сиёсий маданият миллат, минтақа, синф, этник ҳамжамят, расмий ташкилот ва бошқалар каби “жамоавийлик мулки” эканлигини илгари сурдилар². Муаллифларнинг фикрига кўра, шахсларнинг маданияти эмас, балки муносабат, эътиқод ва қадриятлар мавжуд. Улар маданиятни ўз ичига олувчи бирликни турли вазиятларда идентификациялашнинг аниқ усулларини ишлаб чиқишимиз керак, деб таъкидладилар. Олимлар сиёсий маданиятнинг фойдали хусусиятларини тавсиф категориясидан ташқарида такомиллаштириш учун ҳаракат қилдилар.

Хофстеде (Хофстеде) “маданият коллективликни назарда тутуди” деб таъкидлаб, уни “бир тоифадаги одамларни бошқасидан ажратиб турувчи онгнинг жамоавий дастурлаши” деб белгилади³. У ўзининг бошқа асарларида, шу жумладан “Маданиятнинг оқибатлари” китобининг биринчи нашрида ҳам худди

¹ Политика: Толковый словарь: Русско-английский. – М.ИНФРА– М”, 2001. – Б. 6.

² Elkins, David J., and Richard E. B. Simeon. 1979. “A Cause in Search of Its Effect, or What Does Political Culture Explain?”. *Comparative Politics*. 11 (2): 127-45.

³ Hofstede. 2001. *Culture’s Consequences: Comparing Values, Behaviors, Institutions, and Organizations Across Nations*. 2nd ed. Thousand Oaks, Calif: Sage Publications. P. 5.



шундай таърифлардан фойдаланган. Шунингдек, у “қадрият” ва “шахсият” атамаларини индивидуал даражадаги маданиятнинг таққосланадиган тушунчасига муружаат қилиш учун ажратган⁴.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сиёсий маданият тушунчасига таъриф келтирилмаган бўлса-да, ҳар бир тушунчани алоҳида алоҳида кўриб чиқиш мумкин. Мисол учун, Изоҳли луғатда “маданият – жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи” дейилса бир маъносида, кейингисида “маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит” дейилади⁵. Демак хулоса қиладиган бўлсак, маданият тушунчаси нафақат шахсларга қаратиладиган ҳодиса, балки шароитни ҳам назарда тутувчи тушунча ҳам ҳисобланади.

Сиёсат – бошқариш, раҳбарлик қилиш, давлат бошқарув шакллари аналга ошириш ва бошқариш демакдир⁶. Сиёсий – сиёсатга, дипломатияга доир деб изоҳланади⁷.

Сиёсий маданиятга жамият ва унинг синфлари, шунингдек, ижтимоий урф-одатлар ва қонунларда белгиланган сиёсий тажриба киради. Шунингдек, у шахсларнинг сиёсий муносабатлар ва ҳокимият ҳақида вакиллик даражасини, уларнинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри баҳо бериш, унда сиёсий мавқега эга бўлиш қобилиятини баҳолаш, аниқ ижтимоий ҳаракатларда ифодаланган даражасини ўз ичига олади⁸.

Сиёсий маданиятнинг “психологик ёки субъектив таърифлари” мавжуд бўлиб, улар йўналтириш, муносабат, таъсир қилиш, билиш, ҳис қилиш, баҳолаш ва ҳоказо каби психологик атамалардан келиб чиққан. Масалан, Алмонд (Алмонд) ва Верба (Верба)нинг таҳлилига кўра, сиёсий маданият — “аниқ сиёсий йўналишни – сиёсий тизимга ва унинг турли қисмларига бўлган муносабатни ва

⁴ Hofstede, Geert H. 1980. Culture's Consequences: International Differences in WorkRelated Values. Beverly Hills, Calif: Sage Publications.

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати, А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Т.: Б-521.

⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати, А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Т.: Б-495.

⁷ Ўша жойдан.

⁸ Алмонд, Г. Гражданская культура и стабильность демократии/ Г.Алмонд, С. Верба // Полис. – 1994. – № 4. п. 60



Ўзини тизимдаги ролига бўлган муносабатни” англатади⁹. Вербанинг тадқиқотида таърифларнинг яна бир тирик намунасини топамиз. У сиёсий маданиятни “сиёсий ўзаро муносабатлар ва сиёсий институтлар тўғрисидаги эътиқодлар тизими” деб таърифлаган ва бу эътиқодлар фундаментал, одатда барқарор эмас ва сиёсат ҳақидаги тахминлар деб изоҳлаган. Шунингдек, у кейинги асарларида сиёсий маданиятни ўрганиш учун сиёсий маданиятнинг денотатив мезонини белгилаб қўйди, уни бошқа сиёсий психологик тузилмалардан, масалан, партиявий қарашлар ва ички ҳамда халқаро сиёсат масалаларига бўлган муносабат ёки эътиқод каби тушунчалардан ажратиб олди.

XX-асрнинг 80-йилларида сиёсий маданият тадқиқотларининг қайта тикланиш ташаббускори бўлган Инглхарт (Инглеҳарт Роналд) сиёсий маданиятни шундай тарзда таърифлаган: “Сиёсий маданият — жамият институтларининг субъектив томони, маълум бир жамият одамлари томонидан шакллантирилган, ташқи мажбурлаш ва алмашиш тизимларини тўлдирувчи эътиқодлар, кадриятлар, билим ва кўникмалар мажмуидир”¹⁰.

Е.Л.Харрисон ва С.Р.Хунтингтон томонидан илгари сурилган “Маданий кадриятлар ва Инсон тараққиёти” лойиҳаси ҳам маданиятни “фақат субъектив нуқтаи назардан, жамиятдаги одамлар орасида тарқалган кадриятлар, нуқтаи назарлар, эътиқодлар, йўналишлар ва асосий тахминлар сифатида” белгилаб берди¹¹. Шундай қилиб, сиёсий маданият психологик конструкциялар, яъни уларнинг референт даражаларидан катъий назар, шахс ёки жамоавий гуруҳларни қай даражада қамраб олса, шу даражада психологик, деб қаралган.

Биринчидан, сиёсий маданиятга хос психологик таърифларнинг ҳал қилувчи қисми бўлган индивидуал даражадаги сиёсий маданият ва бошқа психологик конструкциялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик етарлича ўрганилмаган ва белгиланмаган. Сиёсий маданиятнинг шахсга таъсири кўринча аниқлик билан белгиланади. Бундан ташқари, улар камдан-кам ҳолларда таҳлил ёки қаттиқ эмпирик синовлардан ўтказилган.

⁹Almond G., Verba S. The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in five Countries. Princeton Legacy Library, (1963 copyright), 2016. 576 p.

¹⁰Inglehart, Ronald. 1997. Modernization and Postmodernization: Cultural, Economic, and Political Change in 43 Societies. Princeton, N.J.: Princeton University Press. P.15.

¹¹Harrison, Lawrence E. 2000. “Introduction - Why Culture Matters.” In Culture Matters: How Values Shape Human Progress, ed. L. E. Harrison and S. P. Huntington. New York: Basic Books.



Алмонд ва Вербадан бошлаб сиёсий маданиятшунослик тадқиқотчилари муносабат, йўналтириш, эътиқод, таъсир қилиш, ҳис қилиш, билиш, қадрият каби психологик атамаларни кўринча сиёсий маданиятнинг таркибий қисмлари сифатида қўллаганлар ва кенгайтирганлар. Аммо, шу билан бирга, улар кўринча ушбу психологик конструкцияларни маданиятнинг оқибатлари сифатида, аниқ ёки бошқа тарзда, ҳатто концерттуал ҳолга келтиришган. Масалан, Алмонд ва Рауелл (Бингхам Г. Ровелл) сиёсий маданиятни “муайян даврда мавжуд бўлган сиёсатга нисбатан муносабат, эътиқод ва ҳиссиётлар тўплами” сифатида белгилаб, “ўтмиш тажрибасида шаклланган сиёсий муносабатлар келажақдаги сиёсий хатти-ҳаракатларга тўсқинлик қилувчи муҳим таъсирга эга” эканлигини қайд этганлар¹².

Улар сиёсий маданиятни “ақл-идрок” учун восита сифатида тақдим этдилар, бу мантиқий равишда мумкин бўлган муқобил хулқ-атвор, муаммолар ва ечимларнинг тўлиқ тўпламидан камроқ чеклаш таъсирга эга. Аммо сиёсий маданият бизнинг онгу-эътиборимизга қандай қилиб таъсир кўрсатиши ҳақидаги илмлар ўрганилмаган, ҳали аниқланмаган.

Сиёсий маданиятни тадқиқ қилишда жамоавийликнинг устуворлиги “битта ижтимоий шакл, тузилма ёки шахс бошқа ижтимоий ҳодисаларга мурожаат қилиш орқали изоҳланади”, деган макро омилни осонлаштирди. Масалан, сиёсий маданиятни тадқиқ қилиш дастурининг парадигматик йўналишларидан бири сифатида кўпчилик уни макро-феномен сифатида кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Чунки у режимнинг яна бир макро-ҳодисасига таъсир кўрсатиши мумкин.

Кенг фалсафий маънода ишлатилган “сиёсий маданият” тушунчасининг муаллифи немис файласуфи И.Гердер бўлиб, у маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири муаммоларини ўрганган. У “Инсоният тарихи фалсафаси ғоялари” асарида дастлаб “сиёсий маданият”, “сиёсий маданиятнинг етуклиги”, “сиёсий маданиятнинг ташувчилари” ибораларини илмий муомалага киритган олим ҳисобланади¹³.

Сиёсий маданият тушунчасининг замонавий илм-фандан ўрин олишида

¹² Almond G., Verba S. The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in five Countries. Princeton Legacy Library, (1963 copyright), 2016. 576 p.

¹³ Гердер, И.Г. Идеи к философии истории человечества. – М.: Наука, 1977. с. 339, 364.



сиёсатшунос олим Габриел Алмонднинг 1956 йилдаги “Қиёсий сиёсий тизимлар” мақоласи ўзига хос ўрин тутди. Олим хулқ-атвор ёндашувининг кашшофига айланган бўлиб. 1960 ва 1970 йилларда қиёсий сиёсат, сиёсий ривожланиш ва маданият соҳасидаги энг машҳур тадқиқотчи бўлди. Унинг фикрига кўра, “Ҳар бир сиёсий тизим сиёсий ҳаракатга йўналтирилганликнинг ўзига хос моделига асосланади”; у ана шу дахлдорлик ва фуқароларни бирор бир муҳим қарор қабул қилишга ундовчи омилларни “сиёсий маданият” деб атади. Шунингдек, у ўша пайтдаги оммабоп “мафкура” атамасини “сиёсатга умумий йўналишни тизимли ва аниқ ифодалаш” деб изоҳлади.

Француз файласуфи Мишел Фуколт сиёсий маданият ҳам ҳокимият сингари инсон ҳаётининг ҳар қандай ҳодисасида мавжуд бўлиб, инсоннинг ҳаракатлари, фикр ва интилишларига бевосита ёки билвосита таъсир қилади, деган хулосани илгари сурган¹⁴. Америкалик социолог ва антрополог К.Герснинг фикрига кўра, сиёсий маданият биринчи навбатда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: сиёсий соҳани билиш; сиёсий позицияларнинг эмоционал жиҳати; сиёсий ҳодисаларни баҳолаш, ҳокимиятни қандай амалга ошириш кераклиги билан боғлиқ бўлган баҳолашлар; муайян ижтимоий-сиёсий вазиятларда қандай ҳаракат қилиш мумкинлигини белгилайдиган сиёсий хатти-ҳаракатлар моделларининг маълум бир жамиятда тан олинishi¹⁵.

Тузилмавий унсурлар сифатида сиёсий маданият сиёсий ҳаракатлар маданияти, сиёсий онг маданияти ва сиёсий институтларнинг ишлаш маданиятини ўз ичига олади. Агар биз сиёсий маданиятни шахс даражасида шакллантирадиган бўлсак, унда бу ўринда сиёсий билимлар, сиёсий эътиқодлар, сиёсий хатти-ҳаракатларни таъкидлашимиз мумкин.

Сиёсий маданият моҳиятан энг аввало, инсон шахсидаги хулқ-атворнинг шаклланганлигини англатади, десак хато бўлмайди. Зеро, сиёсатшунослар ҳам сиёсий ва маданий ҳодисаларни инсоният хулқ-атворининг маълум бир барқарор, фаол ўзаги сифатида изоҳлашади. Бу эса уни жамиятда белгиланган сиёсий ўзаро таъсир нормаларига йўналтиради. Ушбу ёндашув сиёсий жараёнларни, айниқса,

¹⁴ Черняк, Ю.Г. Методологические аспекты анализа социальных рисков /Ю.Г. Черняк// Философия и социальные науки. – 2007. – №1. – 39 с.

¹⁵ Гирц, К. Интерпретация культур (Пер. с англ.) /К. Гирц. – М.: Российская политическая энциклопедия”, 2004. – 62 с



оммавий ҳатти-ҳаракатларни сиёсий фаолиятларни стандартлардан “ўтказиш” орқали тартибга солиш имкониятини беради.

Тадқиқотчилар замонавий илмий манбаларда сиёсий маданият терминига рус олими Э.Баталов томонидан тақдим этилган таърифни ҳам келтиришади. Унга кўра: “Сиёсий маданият тарихий шаклланган, нисбатан барқарор ва вакиллик эътиқодлари, ғоялари, онгга бўлган муносабат ва хулқ-атвор моделлари тизими сифатида тавсифланиши мумкин”¹⁶, дея таъриф беради. Бир сўз билан айтганда, мазкур фикрни қуйидагича талқин қилиш мумкин: Сиёсий маданият — бу фуқароларнинг сиёсий фаолияти усуллари ва натижаларида намоён бўладиган ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Бизнингча, хулоса қилиб айтганда, сиёсий маданият - ижтимоий - сиёсий жараёнларда қатъий меъёрлар, стереотиплар, ўзаро муносабатлар усуллари ва давлатчилик хусусиятларига, масалан, давлат ва халқнинг рамзига айланган давлат байроғи, герби ва мадҳияси ва миллий тили ҳамда ўзига хос қадриятларига ҳурмат-эҳтиромини ифодаловчи, шахсни давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминловчи, зарур ҳолларда уни жиловловчи билимлар мажмуи ҳисобланади. Бу билан сиёсий маданият жамиятни бирлаштириш, элита ва электорат ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган восита экани намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, давлат хизматчиларининг мутахассислик билим ва кўникмалари қаторида сиёсий билимлар хусусан, сиёсий маданиятга эгаллиги уни нафақат касбий фаолиятнинг мукамал бажариши, балки ўз соҳасининг билимдони сифатида ривожланишига ҳам ҳисса қўшиши шубҳасиз.

¹⁶ Баталов, Э.Я. Политическая культура современного американского общества / Э.Я. Баталов. – М.: Наука, 1990. – с 116 – 117.